

ТОШКЕНТ ТИББИЁТ АКАДЕМИЯСИ ВА САМАРКАНД ДАВЛАТ ТИББИЁТ ИНСТИТУТИ БЎЙИЧА БЎШ ПРОФЕССОР-ЎҚИТУВЧИ ХОДИМЛАР ТАРКИБИГА ТАНЛОВ ЭЪЛОН ҚИЛАДИ: (2019 йил июнь)

Доцент

Даволаш факультетига қарашли "2-сон ички касалликлар" кафедраси (ТТА)
1-хирургик касалликлар кафедраси бўйича - 1 ўрин (СамДТИ)

Катта ўқитувчи

Даволаш факультетига қарашли "Ички касалликлар пропедевтикаси кафедраси
Даволаш факультетига қарашли "2-сон болалар касалликлари" кафедраси
Тиббий педагогика факультетига қарашли "Клиник фармакология" кафедраси
Тиббий педагогика факультетига қарашли "Педагогика ва психология" кафедраси
Тиббий педагогика факультетига қарашли

"Гематология трансфузиология ва лаборатория иши" кафедраси
Тиббий профилактика факультетига қарашли "Эпидемиология" кафедраси

Ассистент

Олий маълумотли ҳамшира факультетига қарашли "Тиллар" кафедраси
Даволаш факультетига қарашли "Неврология" кафедраси
Даволаш факультетига қарашли "Анестезиология ва реаниматология" кафедраси
Даволаш факультетининг ЛОР ва стоматология кафедраси

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маъкамасининг 2019 йил 23 апрелдаги 14-14/1-771-сонли ва Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгашининг 25 апрелдаги 07-08/10-04-222-сонли баёнларида берилган топшириқлар ижросини таъминлаш мақсадида жорий йилнинг май ойи "Спорт ойлиги" деб белгиланиши муносабати билан тиббиёт академиясида ҳар ҳафтанинг шанба кунини спорт кунини деб эълон қилинди.

СПОРТ – БАРКАМОЛЛИК ОМИЛИ

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маъкамасининг 2019 йил 23 апрелдаги 14-14/1-771-сонли ва Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгашининг 25 апрелдаги 07-08/10-04-222-сонли баёнларида берилган топшириқлар ижросини таъминлаш мақсадида жорий йилнинг май ойи "Спорт ойлиги" деб белгиланиши муносабати билан тиббиёт академиясида ҳар ҳафтанинг шанба кунини спорт кунини деб эълон қилинди.



Тиббиёт академияси қошидаги спорт мажмуасида клиникада ишловчи ходимлар ва профессор-ўқитувчилар ва талабалар жисмоний тарбия машғулоти билан шуғулланишмоқда. Маълумки, инсон соғлом фикрлаши, жисмонан тетик ва турли мафкуравий таҳдидларга қарши курашиш иммунитетни кучли бўлиши учун аввало соғлом турмуш тарзига риоя этиши ва соғлом турмуш тарзи тарғиботчиси бўлиши лозим.

Тошкент тиббиёт академиясига қарашли барча талабалар турар жойларида эрта-лабки бадантарбия машғулоти мунтазам равишда ўтказилиб келинмоқда. Академияда ҳар йили баҳор фаслида спорт ўйинларини ўтказиш анъанаси айланган.

Футбол бўйича шифокорлар ўртасидаги чемпионатда кафедра ходимлари ҳам

иштирок этишди. Улар иштирок этган жамоа фахри биринчи ўринни қўлга киритди. Мусобақалар спортнинг мини-футбол, аёллар ва эркеклар ўртасида волейбол, стол тенниси турлари бўйича ўтказилди. Волейбол бўйича биринчи ўринни даволаш факультети, мини-футбол бўйича эса тиббий педагогика факультети жамоаси қўлга киритди. Тиббий профилактика жамоаси оилавий спортда биринчи ўринни эгаллади. Олий маълумотли ҳамшира факультетининг спорт маликалари жамоаси эса ўз чиқишлари билан барчага қувонч улашди.

Спорт байрами жарчининг чақируви билан очиб берилди. Тошкент тиббиёт академиясида тахсил олаётган иқтидорли талабалар ва маданият уйи хонандалари томонидан куй-қўшиқлар, ёш акробатлар-

нинг акробатик чиқишлари билан бошланди. Ушбу спорт байрами мамлакатимизда аҳоли саломатлиги ва соғлом турмуш тарзи тарғиботининг амалий намунаси бўлиб хизмат қилади. Спорт байрамига Академиянинг даволаш, тиббий педагогика, тиббий профилактика, олий маълумотли ҳамшира, малака ошириш, Академия тасарруфидаги ҳарбий тиббий факультетлари фаол иштирок этдилар. Тадбир давомида профессор-ўқитувчилар, талаба-ёшлар ўртасида оилавий эстафетали югуриш ва шейпинг (ритмик рақс) мусобақалари бўлиб ўтди.

С.РУСТАМОВА,

Тиббий педагогика факультети ёшлар билан ишлаш бўйича декан муовини

MUASSIS:
TOSHKENT
TIBBIYOT
AKADEMIYASI

MUHARRIR
TURDIQUL
BOVOMURATOV

TAHRIR HAYATI:
Q.Nizomov (Bosh muharrir o'rinbosari),
O.Hazratov, A.Zohidiy, S.Mavlyanov,
D.Norgulov, L.Abdugodirova, D.Xudoyqulov

Gazeta Pentium-IV
kompyuterida sahifalandi va Toshkent
Tibbiyot akademiyasi RISOGRAFida
400 nusxada chop etildi.
Manziliimiz:
Toshkent shahri, Farobiy
ko'chasi, 2-uy
Nashr uchun ma'sul
Q. Nizomov

Gazeta Toshkent Matbuot va axborot
boshqarmasida 2007-yil 15-yanvarda
02-0049 raqam bilan ro'yxatga olingan

Mualliflar fikri tahririyat nuqati nazaridan farqlanishi
mumkin. Maqolalardagi ma'lumotlar uchun
mualliflar javobgardir
Бепул тарқатилади

Topshirish vaqti: 14.00



TOSHKENT TIBBIYOT AKADEMIYASI NASHRI № 5 2019 YIL 28 MAY



9 МАЙ – ХОТИРА ВА ҚАДРЛАШ КУНИ

ХОТИРА БИЛАН ТИРИҚДИР ИНСОН

"Ҳақиқий маърифатга эришган комил одам шундай одамки, ундан нафақат дўстлари осойишта, балки душманлари ҳам тинч ҳаёт кечирадилар".

Буқрот ҳақим

Иқтибосда буюк Буқрот ҳақимнинг ушбу жумлаларини бежиз келтирмадик, зеро, мухтасар мақоламизда сўз юритмоқчи бўлган қаҳрамонимиз – олийжаноб инсон, ихтирочи ва ижодкор олим, профессор, Ўзбекистон Республикаси шифокорлари ассоциациясининг вице-президенти, Ўрта Осиё терапевтлари ассоциациясининг раиси, "Ҳамшира" журналининг бош муҳаррири лавозимида кўп йиллар ишлаган, қомусий ва луғатшунос олим, Америка Қўшма Штатларининг Биография институти томонидан "2000 йилнинг энг нуфузли кишиси" китобига киритилиб, олтин медаль ва мазкур институтнинг илмий Кенгаши фахрий аъзоси сифатида диплом билан тақдирланган, Англия, Кембридж Халқаро биография Марказининг "XX асрнинг интеллектуали" кумуш медали соҳиби, Ўзбекистон Республикаси тиббий деонтология ва касб этикаси фанининг отаси, Республика ҳалқ таъбири Академиясининг аъзоси Эркин Қосимов айнан шу талабаларга жавоб берадиган, ҳақиқий комил инсон эдилар.

(Давоми 2-бетда.)

АҲОЛИ САЛОМАТЛИГИ – ЭНГ ОЛИЙ МАҚСАД

Бугун тиббиёт тизими мутлақо ўзгариб, янгиланиб бормоқда. Аҳолига замонавий тиббий хизмат кўрсатиш, аввало, кадрлар салоҳиятига боғлиқ. Шу боис бугунги кунда асосий эътибор ана шу масалага қаратилган. Зеро, фуқароларнинг малакали тиббий ёрдам олишга бўлган ҳуқуқларини таъминлаш, аҳолига сифатли тиббий хизмат кўрсатиш самарадорлигини ошириш мақсадида тиббиёт ходимлари (врачлар, фармацевтика ходимлари, ўрта тиббиёт ва ўрта фармацевтика кадрлари) ўз малакаси ҳамда касбий даражасини мунтазам равишда ошириб бориши шарт.

Давлатимиз раҳбарининг 2019 йил 6 майдаги "Тиббиёт ва фармацевтика таълими ва илм-фани тизимини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги қарори ҳам соҳада олиб борилаётган ишларни янги босқичга кўтариш, тиббиёт ходимларининг малакасини оширишга қаратилгани билан аҳамиятлидир.


Мазкур ҳужжат билан эҳтиёж юқори бўлган тор мутахассисликлар бўйича шифокорларни тайёрлашни ташкил этиш, ўқитишнинг кредит-модул тизимини жорий қилиш, тиббиёт ва фармацевтика кадрларининг малакасини оширишда тизимли ишлар олиб борилади. Шунингдек, ўқитиш жараёнларини мониторинг қилиш, шахсий ҳисобга олишни таъминлаш, тиббиёт ва фармацевтика илм-фанини, ушбу соҳалар муассасаларининг клиникалари, ўқув ҳамда ўқув-ишлаб чиқариш базалари ҳам ривожланади.

Яна бир муҳим масала — республикамизнинг олис ва етиб бориш қийин бўлган ҳудудларида умумий амалиёт шифокорлари ҳамда тор мутахассислар етишмаслиги муаммоси бор эди. Тиббиёт таълим муассасаларида зарур амалий тайёрларнинг етарли бўлмаётгани, шунингдек, узлуксиз касб-ҳунар таълимини ташкил этишнинг замонавий шакл-услуглари султ жорий этилиши тиббиёт ва фармацевтика кадрларини тайёрлаш, ўрта муддатли даврда уни ривожлантиришнинг истиқболли йўналишларини белгилаш тизимини янада такомиллаштириш бўйича кечиктириб бўлмайдиган чора-тадбирлар қабул қилинишини талаб этаётган эди.

(Давоми 3-бетда.)



Мен бу дунёсидан кетган кун,
Кўзларимга қуёш ботган кун.



(Давоми. Боши 1-бетда.)

Менга ўз отамдек азиз ва мухтарам бўлган устозни хотирлаб мақола битиш мен учун ҳам осон, ҳам қийин. **Осонлиги – устоз билан маълум бир муддат бир макон ва бир замонда умргузаронлик қилиб, бир қутлуғ масканда ишлашни Аллоҳ насиб этганлиги ҳамда мен устознинг биографик “Файласуф ҳақим” китобини битганим бўлса, қийинлиги ҳанузгача мен уни йўқотганлигим, дийдор қиёматга олганлигига кўника олмайганлигимда.**

Устоз 1933 йилнинг 26 июнида Тошкент шаҳрида машҳур матбаачи, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган маданият ходими Йўлдош Қосимов ва Меҳрихон аяларнинг оиласида таваллуд топган. 1951 йил Тошкент шаҳридаги 22-сонли ўрта мактабни олтин медал билан тугатган. 1957 йилда эса ТошМининг даволлаш факультетини имтиёзли диплом билан тугатган. 1958-60 йиллар мобайнида Ўзбекистон Республикаси ФА ўлка медицина илмий-текириш институти фармакопея лабораториясида шифокор-ординатор, кейинчалик кичик илмий ходим лавозимида фаолият юритган. 1963-66 йиллар мобайнида И.М.Сеченов номидаги Москва Медицина Институти терапия кафедрасида академик, Социалистик Меҳнат Қаҳрамони Е.М.Тареев бошчилигида аспирантурани тугатиб, қайтган. 1967 йилда Москва шаҳрида тиббиёт фанлари номзодлигини ҳимоя қилган. 1967-72 йиллар мобайнида ТошМининг даволлаш факультети терапия кафедрасида академик А.Асқаров бошчилигида ассистент лавозимида иш бошлаган. 1972 йилда эса ушбу кафедра доценти лавозимига кўтарилган. 1973-80 йиллар мобайнида доцент, 1976 йилдан бошлаб эса кафедра мудири лавозимида ишлаган. 1976 йилда Республика Соғлиқни сақлаш аълочилиги нишони билан тақдирланган. 1982 йилдан Соғлиқни сақлаш вазирлигида бош терапевт этиб сайланган. 1990 йилда профессор унвонига сазовор бўлган 1996 йилда соғлом авлод жамғармаси фахрий унвони билан тақдирланган. 1997 йилда ТошМининг фахрий профессори лавозимига лойиқ кўрилган. 1999 йилда Респу-

бликанинг энг яхши ўқитувчиси деб эълон қилинган. 2000 йилда АҚШ биография Институтининг “XX аср нуфузли кишилари” китобига киритилиб, олтин медалга, айнан шу йили Кембридж халқаро биография марказининг XX аср интеллектуали сифатида кумуш медалга сазовор бўлган. 2002 йилда эса Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган соғлиқни сақлаш ходими унвони берилди.

Устоз том маънода комил инсон эдилар. У киши ўзларига одамийлик, поклик, меҳрлик, муравватлик, барикенглик, сахийлик, ростгўйлик, оиланавислик, ватанпарварлик, камтарлик, андишаллик, фидойилик, фаросатлик, ҳушёрлик, мард-

топмагунича тиниб-тинчимадилар. Фан номзоди дипломинини кўлимга олганимда эса устоз ўзларини мендан ҳам бахтли ҳис қилгандилар.

“Ўзинга раво кўрганнингни ўзгаларга раво кўрмагунингча ҳақиқий муъмин бўла олмайсан” дейилади ҳадиси шарифларда. Домламиз ушбу жиҳатдан ҳам ҳақиқий муъмин эдилар. Устоз ўта сахий ва олийҳиммат зот эдилар. Бир куни хоналарида “Қуръони карим”нинг ўзи, таржимаси ва тафсири билан чиққан улкан ва ноёб нусхасини кўриб қолдим. Бундай нусха жуда қимматбаҳо ва камёб эди. Унга ҳавас билан тикилиб турганимни кўрган устоз секин жавондан олиб менга узатар-

яна қайтадан 50 000 нусхада чоп этилганлиги бунинг далолатидир.

Сўзда сеҳр, шеърда эса ҳикмат бор дейдилар. Устоз шифокорнинг сўзлашиш санъатини, мулоқат маданиятини, муомала маънавиятини фан даражасигача олиб чиққан, касб этикаси ва тиббий деонтологиянинг асосчиларидан эдилар. Ўзбекистон Республикасида тиббий деонтология ва касб этикаси ҳақидаги илк мукамал дарслик ҳам устоз қаламларига мансубдир. Устоз умр бўйи сўз ва иш бирлигига амал қилиб келдилар. Шу билан бирга ҳаётларининг адоғига қадар шифокорлик ва ижодкорликни ажиб бир тарзда уйғунлаштириб яшадилар. Бугунги кунда домламиздан қолган мингга яқин илмий мақола ва тезислар, ўнлаб дарсликлар, монографиялар, илмий-оммабоп рисоалар, эллика яқин ихтиро ва рационализаторлик тақлифлари устознинг умри боқийлигидан, тириклигидан мўжада бериб турибди.

Инсон дунёдан ўтганидан кейин унинг амал дафтари ёпилади. Аммо, ўзидан солиҳ ва қобил фарзандлар қолдирган, бировлар наф оладиган илм ва китоблар қолдирган, инсонларга манфаати тегадиган масжид-мадрасалар, йўллар ва кўприклар қолдирган инсонларнинг амаллари қиёматга қадар очиқ бўлиб, унга савоб ва офиятлар ёғиб туради деган эди расулulloҳ (с.а.в). Марҳум устозимизнинг амал дафтари ҳам иншооллоҳ очикдир. То рўзи – маҳаргача бу дафтарга савоблар ва солиҳ амаллар ёзилгуси иншооллоҳ!

Мен ҳазрат Султон Увайс Қороний расулulloҳга, ҳазрат шайх Жалолиддин Румий Шамсиддин Табризийга қанчалик меҳр қўйиб, боғлиниб қолган бўлса шу тарзда устозга шогирдлик ва фарзандлик меҳри билан боғланган эдим, у зотдан жудо бўлганимга ҳанузгача кўника олмай келаман, муборак Турбатлари ётган қабристонга тез-тез кириб тиловат қилиб тураман.

Алижон ЗОҲИДИЙ,
Ўзбекистон
Ёзувчилар уюшмаси
ва Журналистлар ижодий
уюшмаси аъзоси

ХОТИРА БИЛАН ТИРИҚДИР ИНСОН

лик, жонқуярлик, қатъийлик, пухталиқ, вазминлик, улугворлик, мулоҳазакорлик, нозиктаъблиқ, ҳамдардлик, оддийлик, умидбахшлиқ, меҳнатқашлик, масъулиятлик, эътиқодлик, ташаббускорлик, ахлоқлик, билимдонлик, мустақил фикрлик каби юзлаб ижобий хислат ва илоҳий сифатлари ўзларида ҳайратланадиган тарзда жо қилолган инсон эдилар. Албатта устознинг фазилатлари, фаний дунёда ўзларидан қолдириб кетолган илмий-тиббий мерослари хусусида гапирадиган бўлсак, битта китобга сифмаслиги табиий. Шу боисдан ҳам мен унинг фазилатлари орасида барча шогирдларига, шу жумладан менга қилган саховатлари, бағрикенгликлари ва инсонийликлари хусусида хотирларимдан бир шингил келтириб ўтмоқчиман. Мен номзодлик диссертациясини ҳимоя қилганимдан кейин маҳаллийчилик ва манфаатпарастликни бор бўйича қарзлик қилиб олган аллақандай ғаразли қалб эгаларининг сайъ-ҳаракатлари билан Олий Аттестация Комиссиясида тасдиқдан ўтказиб бироз орта сурилиб, текшириш устига текшириш олиб борилди. Бундан хабар топган Эркин Йўлдошевчи қаттиқ сиқилдилар, менга руҳий ва маънавий мадад бериш билан бирга ҳақиқат қарор


кан, “Алижон, болам, бу мендан сенга тухфа, буни бот-бот мутолаа қилиб турсанг, кўзинг ўткир бўлади. Сендай моҳир жарроҳ учун ўткир кўллар, шернинг юрагидек зурур бўлади”, дедилар. Кейин бироз хаёллар уммонига чўмганларидан кейин шикаста овозда: “Вақти келиб менинг руҳимга ҳам бундаги суралардан ўқи бахшида қилиб тургин”, деб илова қилдилар. Ушанда мен яна қандайдир 100 кунлардан кейин ўз вақтида ҳис этганимда мен у зотнинг ҳузурларида кўпроқ бўлиб, ҳар бири бир ўғитга тенг бўлган сўхбатларидан кўпроқ бахраманд бўлмасми эдим?!

Эркин Йўлдошевчининг замонавий медицина тараққиётига қўшган хиссаларининг кўлами камдан-кам инсонларга насиб этган десак муболаға бўлмайди. Устоз чоп этган “Юрак касалликларининг қиёсий таснифи” китоби собиқ Иттифоқ даврида 100 000 нусхада чиқарилган, рейтингинг энг юқори китоблардан бири ҳисобланарди. Ун минлаб шифокорларнинг доимий кўлланмасига айланган ушбу китоб орадан уч йил ўтиб

ТТА бўйича июнь ойида тузилган ҳамкасб, устозларимиз

№	Ф.И.Ш.	Туғилган санаси	Кафедра ва лавозими
1	Халикова Умида Абдуғапаровна	05.06.1983	Халқ тиббиёти, реабилитология ва жисмоний тарбия кафедрасининг ассистенти
2	Ходжаева Назира Исламовна	09.06.1948	Психиатрия ва наркология кафедрасининг профессори
3	Шадманова Лола Шавкатовна	19.06.1967	Психиатрия ва наркология кафедрасининг катта ўқитувчиси
4	Ражабаев Инамжан Шерипбаевич	24.06.1985	Психиатрия ва наркология кафедрасининг ассистенти
5	Абдусаматова Дилором Зиявуддиновна	18.06.1973	Клиник фармакология кафедрасининг катта ўқитувчиси
6	Косимов Аъзам Азимович	03.06.1980	Травматология ортопедия, ХДЖ ва нейрорехабилитация кафедрасининг ассистенти
7	Бекбаулиева Гулистан Ниятбаевна	14.06.1968	1-сон акушер ва гинекология кафедрасининг доценти
8	Тошкенбаева Умида Алишеровна	29.06.1973	Дерматовенерология кафедрасининг мудири
9	Махмудова Мунирхон Сайфиевна	06.06.1976	1-сон ички касалликлар кафедрасининг ассистенти
10	Курбанов Абдурўхан Кузйобевич	05.06.1953	Гистология ва тиббий биология кафедрасининг доценти
11	Мухамедова Нурхан Халимовна	03.06.1969	Тиббий ва биологик кимё кафедрасининг доценти
12	Хайитов Максуд Самадович	03.06.1987	Тиббий ва биологик кимё кафедрасининг ассистенти
13	Галиева Зулфия Ибраҳимовна	10.06.1972	Тиббий ва биологик кимё кафедрасининг ассистенти
14	Абдилқасимов Акмал Бектурдиевич	29.06.1988	Тиббий ва биологик кимё кафедрасининг ассистенти
15	Ойдинов Муҳлис Холиқул ўғли	07.06.1992	Тиббий ва биологик кимё кафедрасининг ассистенти
16	Сайфуллаева Дилбар Изатуллаевна	15.06.1974	Информатика ва биофизика кафедрасининг ассистенти
17	Адилбекова Дилором Бахтияровна	27.06.1965	Анатомия ва клиник анатомия кафедрасининг доценти
18	Туйчиев Лазиз Надилович	18.06.1970	Ректор
19	Ахрнова Соҳибноҳад Тажидиновна	24.06.1974	Микробиология вирусология ва иммунология кафедрасининг ассистенти
20	Мустанов Толинобай Болтаевич	05.06.1966	Фармакология кафедрасининг доценти
21	Тўраев Баҳодир Шерали ўғли	18.06.1992	Жамоат соғлиқни сақлаш мактабининг ассистенти
22	Шарипова Соҳида Аҳметжановна	12.06.1962	Атроф муҳит гигиенаси кафедрасининг катта ўқитувчиси
23	Тошматова Гузэл Адилходжаевна	26.06.1976	Атроф муҳит гигиенаси кафедрасининг ассистенти
24	Сандқасимова Наргиза Сайфуллаевна	24.06.1972	Эпидемиология кафедрасининг катта ўқитувчиси
25	Жураев Абдуназар Хатамназарович	18.06.1971	Тиллар кафедрасининг катта ўқитувчиси
26	Султонов Суҳроб Баҳодирович	12.06.1989	Суд тиббиёти кафедрасининг ассистенти
27	Низамов Кутипитдин Фатхуллоевич	22.06.1957	Аллергология, клиник иммунология ва ҳамширалик иши кафедрасининг катта ўқитувчиси
28	Айдарова Наргиза Пулатовна	24.06.1980	Аллергология, клиник иммунология ва ҳамширалик иши кафедрасининг ассистенти
29	Байбекова Венера Фаридовна	25.06.1985	Аллергология, клиник иммунология ва ҳамширалик иши кафедрасининг ассистенти
30	Бердиев Зоҳид Матназарович	21.06.1986	Аллергология, клиник иммунология ва ҳамширалик иши кафедрасининг ассистенти
31	Азимова Мовлула Махмудовна	04.06.1953	Ички касалликларни пропедевтика кафедрасининг доценти
32	Хайитимбетов Жўмамурот Шомуродович	08.06.1961	Ички касалликларни пропедевтика кафедрасининг катта ўқитувчиси
33	Салимов Шавкат Тешаевич	25.06.1947	Умумий ва болалар жарроҳлиги кафедрасининг профессори
34	Факиров Алижон Заҳидович	12.06.1964	Умумий ва болалар жарроҳлиги кафедрасининг катта ўқитувчиси
35	Султонова Маҳсума Худойбергандовна	11.06.1967	1-сон факультет ва госпитал терапия кафедрасининг доценти
36	Мухаммадиева Севара Муродуллоевна	18.06.1980	1-сон факультет ва госпитал терапия кафедрасининг катта ўқитувчиси
37	Беркинов Дилгубек Базарбаевич	11.06.1973	1-сон факультет ва госпитал жарроҳлик кафедрасининг профессори
38	Соҳибоев Дилшод Нарзижалилович	17.06.1977	1-сон факультет ва госпитал жарроҳлик кафедрасининг ассистенти
39	Курбанова Дилбар Раҳимовна	10.06.1949	1-сон болалар касалликлари кафедрасининг доценти
40	Ибрагимова Шонира Алхамовна	19.06.1986	1-сон болалар касалликлари кафедрасининг ассистенти
41	Сандқасимова Адилхон Муратхановна	08.06.1988	1-сон болалар касалликлари кафедрасининг ассистенти
42	Раҳмонова Лола Каримовна	03.06.1961	2-сон болалар касалликлари кафедрасининг доценти
43	Абдусаматова Шахноз Шукроровна	08.06.1946	2-сон болалар касалликлари кафедрасининг доценти
44	Толипова Ноила Кудратовна	15.06.1949	2-сон болалар касалликлари кафедрасининг доценти
45	Яхяева Камола Зокировна	26.06.1969	2-сон болалар касалликлари кафедрасининг доценти
46	Ходисанов Шаймардон Кушаевич	11.06.1957	ЛОП ва стоматология кафедрасининг доценти
47	Ярмухамедова Наргиза Фотиховна	29.06.1989	ЛОП ва стоматология кафедрасининг ассистенти
48	Асадуллаев Максуд Махмудович	06.06.1946	Неврология кафедрасининг профессори
49	Аслонова Саодат Набиевна	12.06.1947	Неврология кафедрасининг профессори
50	Мусаева Юлдуз Алпиевна	12.06.1976	Неврология кафедрасининг доценти
51	Парпиева Юлдуз Равшановна	11.06.1985	Неврология кафедрасининг ассистенти
52	Ақбарходжаева Зиёда Абдуллаевна	03.06.1986	Неврология кафедрасининг ассистенти
53	Каримова Муяссар Хаитовна	22.06.1965	Офтальмология кафедрасининг профессори
54	Базаров Алишер Нишонлиевич	15.06.1987	Анестезиология ва реаниматология кафедрасининг ассистенти
55	Солиқова Нигора Ғайратовна	05.06.1974	1-сон ички касалликлари кафедрасининг доценти
56	Алисов Суҳроб Усмонович	09.06.1987	Хирургик касалликлар кафедрасининг ассистенти
57	Бабажонов Аҳмаджон Боҳодирович	04.06.1990	Хирургик касалликлар кафедрасининг ассистенти
58	Мамадалиева Умида Пулатовна	08.06.1969	2-сон акушер гинекология кафедрасининг катта ўқитувчиси
59	Ахмедова Гулмира	15.06.1957	2-сон акушер гинекология кафедрасининг ассистенти
60	Мансурова Дилором Аслановна	21.06.1973	Анатомия ва клиник анатомия кафедрасининг ассистенти
61	Хатамов Алижон Ибрагимжоневич	20.06.1967	Даволаш факультетининг ёшлар билан ишлаш бўйича декан ўринбосари
62	Зокирходжаев Рустам Асрадович	15.06.1977	Малака ошириш факультетининг декани
63	Ерматов Шўҳрат Фарҳодович	07.06.1977	Спорт мажмуасининг бошлиғи
64	Турсунова Дилдора Исмаиловна	08.06.1985	Буюртмалар портфелини шакллантириш, битирувчиларни ишга тақсимлаш ва мониторинг бўлими инспектори
65	Азимова Севара Азиз қизи	14.06.1990	Бухгалтериянинг 1-д.бухгалтери
66	Мўминова Соҳиба Рустамовна	29.06.1976	Девонхона ва архивнинг бўлими мудири
67	Шермухамедова Наргиза Суратовна	15.06.1966	Ректорат котибона иш юритувчиси
68	Назарова Гулноз Мухаммадмуродовна	28.06.1978	Илмий-услубий ва ахборот маълумот бўлими 1 тоифали библиографи
69	Эргашева Манзура Турсиновна	25.06.1958	Ахборот-кутубхона ресурслари бутлаш, каталоглаштириш ва тизимлаштириш бўлими 1 тоифали библиографи
70	Пўлатова Рано Турғуновна	18.06.1959	Ахборот-кутубхона ресурслари бутлаш, каталоглаштириш ва тизимлаштириш бўлими 1 тоифали кутубхоначи

ТТА ректорати ва касаба уюшмаси номлари зикр этилган ҳамкасб, устозларимизни яна бир бор таваллуд кўнлари билан муборакбод этади.



КИТОБ – ТАФАККУР ГУЛШАНИ

“Ахборот-коммуникация соҳасидаги охирги ютуқларни ўзлаштириш билан бирга, ёшларнинг китоб ўқишга бўлган қизиқишини оширишга, уларни китоб билан дўст бўлишга, аҳолининг китобхонлик савиясини янада оширишга алоҳида эътибор қаратиш лозим бўлади. Бунинг учун, аввало, миллий адабиётимиз ва жаҳон адабиётининг энг сара намуналарини ижтимоий тармоқларга жойлаштириш ва уларни кенг тарғиб қилишга алоҳида эътибор беришимиз муҳим аҳамият касб этади”.

Ш.МИРЗИЁЕВ

Инсоният дунё тамаддунига қадимдан кўра тафаккур таълимидан камроқ эҳтибор берилган, камолот гултожи муқаддас китобдан излади. Китоб инсон ҳаётининг чароғони, умр пиллаполярларидан ўтиш учун асосий тиргак ҳисобланади. Китоб асрлар давомида ўз маҳобати, ҳайбати ила тафаккурнинг гултожиги айлади. Қадимдан муқаддас Авесто битиклари, тош-босмалар, илк ёзма ёдгорликлари ва қўлёзмаларида китобнинг дастлабки маънавий озуқаси намоён бўлди. Китоб чин маънода инсониятга содиқ дўст, маслақдош ва умр йўлидаги тиргакдир. Инсон маънавиятининг ажралмас бўғини, онгу шуурнинг ривожланиш босқичидир.

Китоб барчамизга чароғон йўлни кўрсатишини, маънавий оламимизни шакллантиришини, келажакдаги ягона тўғри йўлни танлашга ёрдам беришини билсак-да, уни ўқимасак, китобнинг инсоният томонидан яратилган энг буюк кашфиёт эканлигини тушунмасак-да, аммо уни энг юқори даражага кўтармасак – бу ҳолда бизнинг китоб тўғрисидаги тасаввурларимиз хато бўлмайди?

Юртимизда илм олиш, китоб ёзиш, ижод қилиш ҳар доим ҳам миллатнинг мавжудлиги ва у нимага қодир эканлигини кўрсатувчи муқаддас тушунчалар ҳисобланади. Арасту ҳақимдан Абу Али ибн Синога, Афлотундан – Абу Райхон Берунийгача, Жалолиддин Румийдан – Алишер Навоийгача, Соҳибқирон Амир Темурдан – Муҳаммадшариф



Гулханийгача юзлаб, минглаб мутафаккирларнинг шаклланиши, дунёга танилиши, замонлар ошса-да аҳамияти йўқолмайдиган тадқиқоту кашфиётлари фақат ва фақат китоб орқали юз берди. Уларнинг бугунги авлод томонидан чуқур ўрганилиши, улар илмий-маърифий боситига бот-бот мурожаат қилишнинг сабаби ҳам мутафаккирларимиз томонидан яратилган китоблар туфайлидир.

Ёшлар маънавиятини юксалтириш ва уларнинг буш вақтини мазмунли ташкил этиш бўйича Президент Ш.Мирзиёев томонидан ҳаётга татбиқ этилаётган беш муҳим ташаббус бугунги кун ёшлари учун қувонарли ҳол бўлди. Ташаббуснинг тўртинчи муҳим босқичи “Ёшлар маънавиятини юксалтириш, улар ўртасида китобхонликни кенг тарғиб қилиш бўйича тизимли ишларни ташкил этишга йўналтириш” бўйича ташаббус лойиҳасининг мана шу босқичи китобхонлик маданиятининг жамият маънавий ҳаётидаги ўрни ва ролини яна бир янги босқичга кўтарганлиги билан изоҳланади.

Ташаббус лойиҳаларини амалга жорий қилиш, уни кенг жамоатчиликка тарғиб қилиш, ёшлар маънавиятини юксалтириш борасида китобхонликни кенг йўлга қўйиш бўйича юртимизда ислохотлар олиб борилмоқда. Жумладан, “Ёш китобхон” Республика кўрик-танлови фикримизнинг яққол далилидир.

Тошкент тиббиёт академияси, академик лицейи маъмурияти китобхонликни тарғиб қилиш борасида кенг қўламли ишлар олиб бормоқдалар. Президент ташаббуси билан бошланган китоб акциясини ТТА ректори, тиббиёт фанлари доктори, профессор Л.Туйчиев ўзи таҳсил олган Юнусов туманидаги 150-сонли мактабга шахсий кутубхонасидан 50 яқин сара адабиёт дурдоналаридан тортиқ қилди. Академиянинг профессор ва устозлари, юзлаб талабалар бу ташаббусга ҳайрихоҳ ҳолда тарғиботни давом эттирдилар.

Тошкент тиббиёт академияси академик лицейи директори А.Шермуратов бошчилигида устоз ва ўқувчилар ўртасида “Мен ўз мактабимга, лицейимга китоб совға қиламан” акцияси тарғиб қилинди. Даставвал, академик лицей раҳбари А.Шермуратов ўзи таҳсил олган Тошкент вилоятидаги 3-сонли умумтаълим мактабига, ММИБДУ К.Кенжаев

Тошкент вилоятидаги 30-умумтаълим мактабига, академик лицейи ЁИ БТ етакчиси Н.Ҳақимова Тошкент шаҳридаги 299-умумтаълим мактабига, лицей психологи Х.Усмонова ўзи таҳсил олган Тошкент вилоятидаги 3-сонли умумтаълим мактабига, лицей бўлим бошлиғи С.Расулова Тошкент шаҳридаги 278-умумтаълим мактабига ўз кутубхоналаридан сара адабиёт дурдоналаридан тортиқ қилди. Академик лицейининг ўқувчилари лицей кутубхонасига китоблар совға қилдилар. Лицейда ёшларни китобга бўлган муҳаббатини ошириш мақсадида “Биз китобни севувчи ёшлармиз!” шиори остида ҳафталик ташкил этилди. Ҳафталик давомида “Китоблар ярмаркаси” ўтказилди. Унда “Китоб олами”, “Шарқ зийкори”, “Ўздавкитобсавдотаъминот” наشريётлари томонидан жаҳон ва ўзбек адабиётининг сара дурдоналари ҳавола этилди. Академик лицейда “Биз китобни севувчи ёшлармиз!” шиори остида бўлиб ўтган “Китоб челлендж” ёшларни китобга бўлган муҳаббатини ҳамжиҳатлик асосида бирлаштирди, десак муболага бўлмайди. Юқори салоҳият ва ташаббус билан ўтказилган тадбирлар давомида ЎзЛиДеп Сиёсий Кенгаши Ижроия қўмитаси раис ўринбосари М.Ҳоджаева ва бир гуруҳ партия аъзолари академик лицей кутубхонасига адабиёт намуналаридан тортиқ эдилар. Китоб билан ошно бўлиш, унга чин маънода содиқ қолиш тафаккур бунёдкорлигининг мезонидир. Зеро, инсон камолоти меъмори бу шак-шубҳасиз китобдир. Академик лицейда олиб борилган китоб тарғиботи “Ёш китобхон” Республика кўрик-танловининг ёшлар ўртасидаги тарғиботига уланиб кетди. Бугунги кун ёшлари китобни ўзларига содиқ дўст, келажак йўлларидида нурли машъала сифатида китоб билан ҳамоҳанг яшамоқдалар.

Китоб инсонни ердан кўкка кўтарувчи, унинг маънавий қувватини оширувчи буюк куч ҳисобланади. У инсониятнинг тарихий хотираси маънавий-маърифий, илмий заминни мустаҳкамловчи, келажакни ёрқин кўрсатиб боришга қодир машъала ҳисобланади.

Шарқда ахлоқ-одоб борасида буюк асарлар яратган Муҳаммад Жабал-рудийнинг китоб ҳақидаги қуйидаги фикрларига бир қулоқ тутаёлик: “**Эй азиз! Киши учун китобдан азизроқ ва ёқимлироқ сўхбатдош йўқдир. Китоб фасоҳат, балоғатда, латоғатда тенги йўқ, мунофиқликдан холи ҳамроҳдир. Ёлғизликда ва ғамли айёмларда мунис улфатдир. Унда на нифоқ бору, на гина. У шундай ҳамдамки, сўзларида ёлғон ва хато бўлмайди. Келажакдан огоҳ қилибт уради. Шунинг учун ҳам “Китоб ақл қалъасидир”.**

Ҳақиқатдан ҳам, китоб барчамизни эзгуликка ундайдиган, олдимизда турган барча муаммоларни ҳал этишга ёрдам берадиган кучдир. Шунинг учун ҳам китоб билан ошно бўлган, китобни суйган, китоб ёзган, китобни муқаддас билиб, қорачигидек асраганларни зиёли инсондирлар. Бизнинг мақсадимиз бугунги кун ёшларини Зиёли-Нур тарқатувчи, ўзининг хатти-ҳаракатлари, фаолияти билан жамиятни нурлантирувчи, маънавий-ижтимоий барқарорликни таъминловчилар буюк қудрат соҳибларини кашф этишдан иборатдир.

Нигора ҲАКИМОВА,

ТТА академик лицей Ёшлар иттифоқи БТ етакчиси

КАДРЛАР ТАЙЁРЛАШ СИФАТИНИ ОШИРИШ ЙЎЛИДА

Жорий йилнинг 7-10 апрель кунлари Жанубий Кореянинг Сеул шаҳрида Тиббий Таълимнинг Бутунжаҳон Федерацияси ва Корё Университети бошчилигида Халқаро аккредитация тизимига бағишланган Бутунжаҳон конференцияси бўлиб ўтди. Ушбу конференцияда Тошкент тиббиёт академияси ходимлари ҳам иштирок этдилар.

Тиббий таълимни ислоҳ қилиш ва сифат жиҳатдан яхшилашга бўлган эҳтиёжнинг кучайиши, охириги ўн йилларда тиббиёт олий ўқув юрларининг сонининг сезиларли ортиши, глобализация жараёни кун сайин ортиб бораётган даврда соғлиқни сақлаш тизими сифатини таъминлашга бўлган интилиш ва тиббиёт кадрларининг мобиллиги ортиши аккредитация жараёни сифат кафолати нуқтаи назардан зарурлигини кўрсатмоқда.



Халқаро тиббий таълим Институту (АҚШ, Нью-Йорк) томонидан берилган таърифга кўра, аккредитация – ҳукумат, ноҳукумат, профессионал ассоциациялар ёки бошқа ваколатли органлар томонидан таълимнинг ўрнатилган сифат мезонларига жавоб берувчи таълим дастурлари ёки олий ўқув юрларини расман тан олинишидан иборат ўзи бошқарилувчи жараёндир. Таълим дастурлари ёки олий ўқув юрларининг ўрнатилган стандартларга мослиги институционал ўзига баҳо бериш, институционал ўзига баҳо бериш бўйича ҳисоботни шакллантириш, экспертлар гуруҳи томонидан олий ўқув юртига таъриф буюриш ва аккредитацияловчи орган экспертлар гуруҳи яқини ҳисоботи батафсил кўриб чиқилгандан сўнг баҳоланади.

Олий таълим сифатини таъминлаш соҳасида қуйидаги асосий халқаро инициативалар (ташаббусларни) ажратиб кўрсатиш мумкин: **Болонья процесси** – Болонья декларацияси (Болонья ш. 1999 й) – олий таълим сифатини таъминлашда Европа ҳамкорлигига қўмақлашув (биринчи навбатдаги мақсадлардан бири); **Берлин коммюникеси** (Берлин ш. 2003 йил 19 сентябрь) – олий таълимда сифатни таъминлаш соҳасида мақсадларни белгилаш, сифатни таъминловчи халқаро ассоциациялар билан ҳамкорлик; **Берген учрашуви** (Берген ш. 2005 йил 19-20 май) Европа минтақасида олий таълим сифатини таъминлашнинг стандарт ва кўрсатмалари.

Тиббий таълим сифатини таъминлаш тизими кўпгина халқаро ташкилотлар, ассоциациялар, тармоқлар, аккредитация ва улар орасидаги ўзаро мулоқотни таъминловчи органлар томонидан қўллаб-қувватланади. Тиббий таълим сифатини таъминлашда асосий халқаро ташаббуслар Тиббий Таълимнинг Бутунжаҳон Федерациясига тегишлидир.

Тиббий Таълимнинг Бутунжаҳон Федерацияси – фаолияти бутун дунёда тиббий таълим сифатини яхшилашга ва шифокор кадрларни профессионал тайёрлашга

йўналтирилган халқаро ташкилотдир. ТТБФ миссияси – тиббий таълимда юқори даражадаги илмий ва этик стандартларни жорий қилиш орқали бутун дунёда аҳолига тиббий хизмат кўрсатишни яхшилашдан иборатдир.


ТТБФ – ўз таркибидида тиббий таълим бўйича олти регионал ассоциацияларга эга бўлган ташкилотдир. ТТБФ Бутунжаҳон соғлиқни сақлаш ташкилоти ва БССТнинг минтақавий бюралари билан, шунингдек, ЮНЕСКО ва БМТнинг бошқа агентликлари билан яқин муносабатларга эга, Бутунжаҳон тиббиёт ассоциацияси (WMA – World Medical Association), Тиббиёт талабалари ассоциациясининг Бутунжаҳон федерацияси (IFMSA – International Federation of Medical Students Associations) ва тиббий таълимни яхшилаш билан шуғулланувчи бошқа халқаро ташкилотлар яқиндан ҳамкорлик қилиб келади.

ТТБФ фаолияти тиббий таълимнинг барча босқичларини, яъни таянч тиббий таълим, ОУЮдан кейинги тиббий таълим, узлуксиз касбий ривожланишни қамраб олади. ТТБФ Халқаро стандартлари трилогиясининг ҳар уччала ҳужжати 9 та категория ва 36 субкатегориядан ташкил топган.

Европага хос бўлган спецификадаги ТТБФ халқаро стандартлари миллий ўзига хосликларни мужассам қилдирган ҳолда миллий стандартлар учун матрица сифатида қўлланилиши мумкин ва тиббий таълимда аккредитация тизимини яратиш учун асос бўлиши мумкин.

Шундай қилиб, тиббий таълимни аккредитация тизими тиббий таълим сифатини яхшилаш ва таъминлашда, иқтисодий ресурслардан самарали фойдаланишда, ўтказилаётган ислохотларни кучайтиришда, тиббий таълимнинг миллий тизимда рақобатбардошликни оширишда, тиббий кадрлар тайёрлаш сифатини оширишда, аҳоли саломатлигини муҳофаза қилишни янада яхшилашда асос бўлиб хизмат қилади.

Жобир АҲМЕДОВ,
Даволаш факультети декан муовини



ЗАМОН БИЛАН ҲАМНАФАС

Давлатимиз раҳбари Ш.Мирзиёевнинг Ўзбекистон Республикасида ёшларни маънавий ва маърифий руҳда тарбиялаш борасида кўплаб фармонлари ва чиқишлари бўлиб, сўнгги ойларда олийгоҳлар билан мактаблар, лицейлар, коллежлар орасида узвийликни таъминлаш, мактабгача ва мактаб таълим соҳасини юксалтириш учун олимлар, фозиллар, ижодкорларнинг китоблар тақдимотини ўтказиши борасидаги ташаббуслари айниқса улкан қадамлардандир.

“Verba Volant, Skripta moment – Гап-сўз учиб кетади, битиклар абадий яшайди”, дейилади юнон ҳикматларидан бирида. Дарҳақиқат, агар ёзув ва битиклар бўлмаганида биз Миср папирусларида ёзилган Антик дунё тарихларидан, Авесто, Аюр–Веда, Инжил, Таврот, Забур, Қуръони карим, Зубдат-ул ҳақойиқ, Ҳибатул ҳақойиқ, Девони луғотит-турк, Баҳористон, Қиссаси Рабғузӣ, Тазкирот ул-Авлиё, Маънавий Маснавий, Хамса, Шамойили Башария, Танбеҳ ул-Ғофилийн, Тазкирайи қаландарон, Тиб қонунлари, Мабдаи Нур каби улғу асарлардан бебаҳра қолган бўлур эдик.

Нуфузли Академиямизда муҳтарам юртбошимиз ташаббусларига “Лаббай” деб жавоб берувчи ходимларимиз жуда кўп. Улар республикамизнинг турли ҳудудларидаги мактабгача таълим муассасалари, мактаблар, лицейлар ва коллежларда учрашувлар ўтказиб, ёшларни давлат сиёсати ва ислохотларига мос тарбиялаш, миллий қадриятлар ва маънавий мерослардан баҳраманд қилишда ўз ҳолисона ҳиссаларини қўшмоқдалар. Шулардан бири Ўзбекистон Республикаси Ёзувчилар уюшмаси аъзоси, тиббиёт фанлари номзоди Алижон Фақиров Зоҳидович бўлиб, ўз фаолияти мобайнида 64 та турли мавзуларда китоблар яратган. Улар орасида болалар хирургияси ва урологиясидан дарсликлар, монографиялар, ўқув қўлланмалари, илмий-оммабоп, бадиий, адабий, публицистик китоблар мавжуд. 2018-2019 ўқув йили мобайнида у Академиямиз профессор-ўқитувчилари билан

биргаликда Олмазор, Янгийўл, Бука, Янгиер туманларидаги бир қатор мактабларга ташриф буюрдилар. Шу билан бирга Ўзбекистон Республикаси Ёзувчилар уюшмасининг бир қатор ходимлари билан Ургут туманидаги ўзи таҳсил олган 17-ўрта мактаб устози, профессор Жуманазар Бекназаров билан бирга Қамаш туманидаги бир қатор мактабларга ўз қаламига мансуб бўлган “Тиббиёт санъаткори”, “Аслиятнинг асрорлари”, “Фирдавс насимлари”, “Изтироб булоғи”, “Кулгитерапия”, “Кўнглим жуда бўш”, “Мен кўрган улуғлардан”, “Аллома ҳақим”, “Эврилиш”, “Ёнаётган руҳ”, “Яна баҳор келди Сизни сўроқлаб”, “Комиллик сарҳадлари”, “Умр мазмуни”, “Келиши муқаррар дара”, “Бош оғриғи”, “Оғриқлар дўстми-душманми?”, “Эллигинчи баҳор”, “Простатит”, “Климакс синдроми”, “Асрлар силсиласи”, “Аллома аёл” каби сермазмун ва фойдали китобларидан беминнат ҳада қилди. Сўнгги йилларда айниқса ёшлар орасида китобхонликка қизиқиш бир қадар камайган, қадриятлар ўзгариб кетаётган шиддатли асримизда ёшларимиз маънавияти учун бу жуда фойдали тадбирдир. Маданият ва санъат институтининг ректорати илтимоси билан у олийгоҳга ташриф буюриб, саломатлик ва адабиёт борасида талабалар билан учрашув ўтказиб, мазкур институт кутубхонасига 50 та китоб ва тадбирда иштирок этган талабаларга 100 дан ортиқ китобларни улашиб қайтди.

“Бировга қарз берсанг бир кишига, йўл курсанг бир маҳаллага, масжид курсанг бир қишлоққа,

яхши бир китоб битсанг бутун инсониятга нафитг тегади” дейилади машоихларимизнинг китоблари ва мутафаккирлар битикларида. Бугунги кунда муаллиф Ўзбекистон Республикаси Халқ Табобати академияси ва Диний кўмита билан ҳамкорликда муҳтарам уламо ҳазрат шайх Абдулазиз Мансур билан ҳаммуаллифликда қарийб 2000 саҳифалик “Уч тиббиёт уйғунлигида” китобини нашрга тайёрлаган. Мазкур илмий оммабоп китобда тиб ходимларимизга маълум бўлган 10 мингдан ортиқ касалликларда замонавий медицина, халқ табобати ва Тибби Набавийя (Илоҳий табобат) нуқтайи назари билан ёндошилган. Ўйлашимизки, мазкур китобнинг ҳам бир қисмини саховатпеша муаллиф турли муассасаларга тарқатиб, савоб олади.

Муҳтарам Президентимизнинг китоб ва китобхонлик борасидаги шахсий ташаббуслари, фармонлари ва қарорлари ҳали кўплаб зиёлиларимизни мана шундай инсонпарварлик тадбирларига чорлайди. Орадан бир неча йил ўтиб улар ўз самарасини беради ва юртимизда имом Бухорийлар, Самарқандийлар, Термизийлар, Хоразмийлар, Шошийлар, Марғинонийлар, Фарғонийлар, Кешийлар, Насафийларнинг муносиб издошлари, Нобель мукофотининг совриндорлари етишиб чиқади.

Қутбиддин НИЗОМОВ,
Республика Соғлиқни сақлаш аълочиси, олий тоифали аллерголог

ИЛМГА БАХШИДА УМР

ЎзР ФА ва РФ ТТФА академиги, профессор Тўлқин Искандаровнинг юбилейига бағишланади



2019 йилнинг 25 апрелида Ўзбекистон врачлар Ассоциацияси раиси ўринбосари, ЎзВАНинг гигиена ва санитария врачлар бўлими раиси, ЎзР ССВ санитария, гигиена ва касб касалликлари илмий-тадқиқот институти пестицидлар гигиенаси ва токсикологияси лабораторияси мудири, лойиҳа раҳбари, ЎзР ФА ва РФ ТТФА академиги, профессор Искандаров Тўлқин Искандаровичнинг таваллуд айёмлари 80 йил ва илмий-педагогик ва жамоатчилик фаолиятига 57 йил тўлди.

Т.Искандаров Тошкент шаҳрида таваллуд толган, 1956 йилда ўрта мактабни тамомлаб, Тошкент Давлат тиббиёт институти санитария-гигиена факультетига талабалар сафига қабул қилинди ва ушбу институтни 1962 йили муваффақиятли якунлагандан сўнг ушбу институтнинг «Меҳнат гигиенаси» кафедрасида ассистент лавозимида меҳнат фаолиятини бошлади.

1964 йили Т.Искандаров санитария, гигиена ва касб касалликлари илмий-тадқиқот институти аспирантурасини кундузги бўлимига ўқишга қабул қилинди ва ушбу аспирантура 1967 йили муваффақиятли тамомлаб, «Эркин цианамидни захарлилиги бўйича экспериментал маълумотлар ва профилактик чора-тадбирларни асослаб бериш» мавзусидаги номзодлик диссертациясини ҳимоя қилди. 1968 йилдан бошлаб тиббиёт фанлари номзоди илмий даражасига эга бўлди.

Номзодлик диссертациясини ёқлагандан сўнг Т.Искандаров пестицидлар гигиенаси ва токсикологияси лабораторияси (1967-1972 й.й.) ва меҳнат гигиенаси бўлими мудири лавозимида (1970-1972 й.й.) фаолият кўрсатди.

1972-2003 йилларда Т.Искандаров ТошДавТининг коммунал гигиена кафедрасида мудирлик лавозимида фаолиятини давом эттирди. Ушбу вақт мобайнида Т.Искандаров ўз педагогик фаолиятини илмий фаолият билан бирга олиб борди, ўз ўқувчилари билан бирга ватанимиз гигиенасини турли муаммолари бўйича яъни: атмосфера ҳавоси гигиенаси, ичимлик суви ва сув манбаларини ифлосланишдан муҳофаза қилиш, захарли моддаларни бирлашган ҳолда таъсир қилиши, атроф-муҳит ва иқлим шароитлари ва кимёвий тузилишига қараб захарли моддаларни таъсир доирасини, атроф-муҳит объектларини ифлосланишини йўл қўйилиши мумкин бўлган даражаларини меъёрлаштириш бўйича тадқиқотлар ўтказди.

1974 йили Т.Искандаров «Иссиқ иқлим шароитида пахтачиликда ишлатиладиган пестицидларни қўллаш гигиенаси» мавзусида докторлик диссертациясини ёқлади. 1977 йилдан бошлаб профессор. 1989 йилдан бошлаб «Экология» иxtисоси бўйича ЎзР ФА муҳбир-аъзоси, 2000 йилдан бошлаб «Экология» соҳаси бўйича ЎзР ФА академиги, 2006 йилдан бошлаб Россия Тиббий-техника фанлари академиясининг академиги.

Т.Искандаров атроф-муҳит объектларида пестицидлар ва маданли ўғитларни захарлилигини ўрганиш ва гигиеник регламентлаш бўйича тадқиқотлари Ўзбекистонда ривожланишини асосчиси. Улар томонидан Ўзбекистон гигиенистлари, токсикологлари мактаби яратилган, Т.Искандаров «Гигиена» иxtисоси бўйича 27 нафар фан доктори 76 нафар фан номзодларини тайёрлаб берди. Уларнинг кўп сонли тадқиқотлари асосида атроф-муҳит объектларида пестицидларни мажмуавий гигиеник меъёрлаштиришни назарий ва услубий ёндашуви янада такомиллашди, текширув ва иқтисодий сарф-харажатларни қисқартирганда ишончли натижаларни олишни таъминлайдиган пестицидларни босқичма-босқич гигиеник регламентлашни услубий схемаси ишлаб чиқилди ва синовдан ўтказилди, пестицидларни хавфлилик даражаси бўйича таснифи ишлаб чиқилди, пестицидларни инсон организмга озиқ-овқат, сув ва атмосфера ҳавоси билан киришини ҳаққоний жамланган миқдорини аниқлашнинг услубий тамойиллари ишлаб чиқилди, пестицидларни инсон организмга ноҳўя таъсир қилишининг олдини олиш бўйича профилактик чора-тадбирларни тизимини асослаб бериш услубияти ишлаб чиқилди.

Т.Искандаров 1980 йилдан 1989 йилларгача – Ўзбекистон Республикаси соғлиқни сақлаш вазирлиги санитария, гигиена ва касб касалликлари Илмий-тадқиқот институти директори лавозимида фаолият

олиб борган (ЎзР ССВ СГКК ИТИ). 1989 йилдан 1995 йилгача Давлат Бош санитария врач, ЎзР соғлиқни сақлаш вазири ўринбосари. Унинг шу даврдаги ўзига хос илмий хизмати Республика «Давлат санитария назорати лавозимидаги қонунини ишлаб чиқиш ва амалга ошириш ҳисобланади, ушбу қонун тасдиқлини натижасида Республикада санитария-эпидемиологик хизмати ҳуқуқий мақомга эга бўлди. Уларнинг раҳбарлиги остида Республика санитария эпидемиология хизмати меъёрий ва услубий ҳужжатлар билан таъминлаш бўйича Ўзбекистон Республикаси санитария қонунчилигини такомиллаштириш бўйича катта ишлар амалга оширилди.

Т.Искандаровнинг касбий фаолияти 1995 йилдан 2010 йилларида СГКК ИТИ директори ва 2010 йилдан пестицидлар гигиенаси ва токсикологияси лабораторияси раҳбари сифатида ўтди. Ушбу вақт мобайнида Т.Искандаров институтни барча илмий ишларни гигиеник ва касбий патология йўналишига мувофиқлаштирилган етакчи илмий-тадқиқот муассасасига айлантиришга муваффақ бўлди. Институт жамоаси давлат грантлари асосида фаолият кўрсатади, илмий тадқиқотлар республика учун долзарб бўлган гигиена муаммолар бўйича ўтказилади.

Т.Искандаров амалий тиббиётни бир қанча йўналишлари бўйича илмий ютуқлари билан машҳур бўлган инсондир. Шундай қилиб, унинг ўтказган тадқиқотлари натижасида суви минерализация ва қаттиқлашини ўсиб борувчи даражада, кимёвий ва микроорганизмлар билан ифлосланиш даражасини ошири билан намоён бўлувчи республикамиздаги очик сув манбаларида сувлари сифатини шаклланишини санитария-гигиеник қонунчиликлар аниқланди, аҳоли касаллини даражасини ўрта тезликдаги прогнози тузилди, «Ичимлик суви» республика стандарти ишлаб чиқилди. Улар томонидан илмий асослар ва атроф-муҳит объектларини ифлосланиш даражасини гигиеник баҳолаш услубияти ишлаб чиқилди, шунингдек, аҳоли саломатлиги учун хавфли бўлган республикамизни маъмурий туманлари ҳудудларини эколого-гигиеник районлаштириш, республикамизни алоҳида вилоятларида режалаштирилган санитария-профилактик чора-тадбирларни устуворлиги аниқланди. Т.Искандаров илмий маълумотлари «Атмосфера ҳавосини муҳофаза қилиш тўғрисидаги», «Атроф-муҳитни муҳофаза қилиш бўйича Ўзбекистон Республикасини миллий ҳаракатга келтириш режаси» Ўзбекистон Республикаси Қонунлари ва ҳукумат Қарорларида фойдаланилган.

Т.Искандаров 747 та илмий ишлар, жумладан 46 та монография, дарсликлар ва ўқув-услубий қўлланмалар, 81 та муаллифлик гувоҳномаси ва патентлар муаллифи. Бундан ташқари, Т.Искандаров тахририяти остида 50 дан зиёд китоблар чоп этилган (илмий ишлар тўплами ва анжуманлар материаллари).

Кўп йиллар мобайнида Т.Искандаров жамоатчилик ишлари билан фаол шугулланади, яъни институт Илмий Кенгаш раиси, ЎзР ССВни гигиена бўйича Илмий Кенгаши раиси, Ўзбекистон Врачлар Ассоциациясини гигиенист ва санитария врачлар бўлими раиси, Ўзбекистон Врачлар Ассоциацияси раисини ўринбосари, «Ўзбекистон Врачлар Ассоциацияси бюллетени» журналинин бош муҳаррири, «Ўзбекистон тиббиёт журнали» тахририят кенгаши аъзоси.

2000 йили академик Т.Искандаров номи Англиядаги Кембридж Университетида чоп этилган XX асрнинг атоқли инсонлар рўйхатида киритилди. Т.Искандаров «Меҳнат Қизил байроғи» ва «Хурмат белгиси» орденлари билан, «Фидокорона меҳнати учун» медали, «Соғлиқни сақлаш аълочиси», «Олий таълим органларидаги аъло ютуқлари учун», «ССРИ иxtирочиси» кўкрак нишони билан, ХХЮК медаллари ва Фахрий ёрлиқлари билан мукофотланган.

Хурматли Тўлқин Искандарович Тошкент тиббиёт академияси раҳбарияти, ходимлар касабга уюшмаси, ҳамкасбларингиз ва шогирдларингиз номидан таваллуд айёмингиз билан чин қалбдан муборакбод этамиз. Сизга узоқ умр, илмий, амалий ва шахсий ҳаётингизда улкан муваффақиятлар тилаймиз. Ёшингизга ёш қўшилиб олиб бораётган илмий, маърифий ишларингизни яна узоқ йиллар давом эттиришингиз ва илмингизнинг маърифат чирогини ҳеч қачон ўчмаслигини тилаб қоламиз.

Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги, Тошкент тиббиёт академияси маъмурияти, ходимлар касабга уюшмаси, ҳамкасблари ва шогирдлари

